6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар):

| № | Бўлим мавзуси | Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | топшириқ берилди | топшириқ бажарилди |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

7. Битирув ишини бажариш режаси

| № | Битирув иши босқичларининг номи | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан ўтганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| 1. | Мавзуга оид адабиётлар тўплаш | октябрь 2013 | бажарилди |
| 2 | БМИнинг адабиётлар шарҳини ёзиш | ноябрь 2013 | бажарилди |
| | | декабрь 2013 | бажарилди |
| 3 | БМИнинг амалий ишининг бажариш | январ-март 2014 | бажарилди |
| 4. | БМИнинг асосий қисмини ёзиш | апрель 2014 | бажарилди |
| 5 | БМИнинг хулосасини ёзиш | | |
| | якунлаш | май - 2014 | бажарилди |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Битирув иши раҳбари Султонова Г. Н. ____________
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим Тузикулова Г ____________
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқ берилган сана 2013 йил

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Фармация факультети ФИТК

кафедраси Қайта тайёрлаш йўналиши 112 гуруҳи

Тасдиқлайман

Кафедра мудири Ш.З. Умарова

2014 йил «____»________

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Рузиқулова Гулнага Тўлқин қизи
(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси Тошкент вилоят хавфли ўсма касалликлар диспансери бўйича дори воситалари таъминоти таҳлили

200 й. «____»________ кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув иши топшириш муддати 25.06.2014 й.

3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар Дори воситалар таъминотига оид маълумотлар

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Ўзбекистон Республикаси даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари
Ажойиш сифатли дори воситалари билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) Тошкент вилоят онкологик диспансер фаолиятини таҳлили Тошкент вилоят онкологик диспансер дори воситалари таъминоти таҳлили Ўсмага қарши дори воситалар ассортиментини Тошкент вилоят онкологик касалликлар диспансерининг „Асосий дори воситалар" формуляри бўйича таҳлили Диспансерда дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар таъминоти таҳлили

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Фармацевтика институти

Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси

**Рузиқулова Гуласал Тўлқин қизи**

**Битирув малакавий иш**

# МАВЗУ:
# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ХАВФЛИ ЎСМА КАСАЛЛИКЛАР ДИСПАНСЕРИ ДОРИХОНАСИ БЎЙИЧА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИ ТАХЛИЛИ

Илмий раҳбар: доц. Г.А.Султонова

Тақризчи: доц. Х.Ж.Қамбаров

Тошкент-2014

## МУНДАРИЖА

I. **Кириш**

II. **Адабиётлар шархи**

1. Ўзбекистон Республикаси даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг хуқуқий асослари………… 4

2. Ахолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш -ижтимоий химоянинг мухим омили…………………………………………….. 11

III. **Амалий қисм**

1 Тошкент вилоят онкологик диспансер фаолияти тахлили………….. 24

2 Тошкент вилоят онкологик диспансер дори воситалар таъминоти тахлили…………………………………………………………….. 26

3 Ўсмага қарши дори воситалар ассартиментини Тошкент вилоят онкологик касалликлар диспансерининг “Асосий дори воситалар“ формуляри бўйича тахлили……………………………………… 33

4 Диспансерда дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар таъминоти тахлили……………………………………………..... 39

IV **Хулоса**............................................................................................ 50

V **Фойдаланилган адабиётлар**........................................................ 51

# I. Кириш

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосан, онкологик касалланиш статистикаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда ҳар йили дунёда 11 миллиондан ортиқ одам ўсма билан касалланиб, улардан 7.6 миллионга яқини ҳаётдан кўз юмади. Ривожланган давлатлардаги ўлим кўрсаткичига асосан, онкологик касалликлар юрак қон томир касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Республикаси бўйича ўсма билан касалланиш нисбатан стабиль, ёши ўзгариш кам эканлигини алоҳида кўрсатишимиз мумкин. Барча мамлакатларда кенг миқёсда онкологик касалликлар сонини камайтириш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишига қарамасдан бу кўрсаткич ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги ПП №731-сонли „2011-йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш

дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бу қарор фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, ундаги асосий вазифалар қуйидагилардир:

- республика аҳолиси, даволаш профилактика ва дорихона муассасаларининг маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида уларнинг ишлаб чиқаришининг устивор йўналишларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган препаратлар ва тиббиёт буюмларини нисбатан олган ҳолда 2008-2011 йилларда республика даволаш профилактика муассасалари ва

аҳолисини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари номи ва турларини аниқлаш мақсадида даволаш стандартларининг тизимлаштирилишини якунлашдир.

Юқоридаги вазифаларда келтирилганидек, даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

## II.(1) Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси конституциясида аҳолининг соғлиғини сақлаш, муҳофаза қилиш ва даволашни давлат томонидан кафолатланганлиги қайд этилади. Бу эса Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистон республикасида аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида бир қанча қонун, қарор ва буйруқлар қабул қилинган, жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш ишларини яхшилаш, дори воситаларини харид қилиш учун ажратилаётган

бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва аҳолига кўрсатилаётган даволаш-профилактика ёрдамининг сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 5 декабрдаги № 539-сонли ва 2009 йил 24 июндаги № 230-сонли „Асосий дори воситалари рўйхати"ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи [ ].

2. „Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 21 августдаги (1999 йил 15 апрелдаги ўзгартириш ва қўшимчалари билан) қонуни, унга асосан аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш чоралари белгилаб қўйилган [ ].

3. Республика аҳолисини дори-дармонлар, вакциналар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил

6 августдаги № 404-сонли „Республикада дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори [ ].

4. Сабий кўринишларга барҳам бериш, республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш ва дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларини сотишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14-январь № 19-сонли (2000 йил 2 октябрдаги қўшимча ва ўзгартиришлар билан) „Дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори [ ].

5. Даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни янада яхшилаш, уларни таркибидаги дорихоналарни ишини takомиллаштириш, ривожлантириш, ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 5 сентябрь № 400-сонли „Даволаш-профилактика муассасалари дорихоналари ишини

этишлари тўғрисида"ги буйруғи [ 3].

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21-ноябрь №456-сонли "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва шу қарорга илова тарзда "сотиб олинадиган материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги низомга асосан Ўзбекистонда тендер савдолари амалга оширилиб келинади [ 3].

Тендер асосида марказлашган ҳолда сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари биринчи навбатда аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларига ва муассасаларига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бўлимларга тақсимланади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида тендер асосида давлат эҳтиёжлари учун дори воситалари ва тиббий буюмлар харид қилинади.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика

муассасаларида дори воситаларига бўлган эҳтиёжни тўлиқча тарзда марказлашган ҳолда сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳисобига таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 8-ноябрь №545-сони „Тендер асосида марказлашган ҳолда сотиб олинаётган дори воситалари, тиббиёт буюмларини қабул қилиш, сақлаш, тақсимлаш, ҳисобга олиш ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги буйруғига асосан барча даволаш-профилактика муассасаларининг эҳтиёжини бир йил мобайнида қондириш мақсадида уларнинг умумий миқдорини бўлинган ҳолда чоракма-чорак тақсимланган тақсимот асосида Республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги даволаш-профилактика муассасаларига тарқатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2000 йил 1 декабрдан бошлаб давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма маблағлари, шунингдек давлат

кафолатланган қарзининг номи муас-
сасалари, шу жумладан Жаҳон банки,
Осиё тараққиёти банки, Европа қайта
тикланиш ва тараққиёт банки, Япония
халқаро ҳамкорлик банки ва бошқалар
томонидан бериладиган қарзлар кре-
дитлар ва грантлар ҳисобига маблағ
билан таъминланадиган, ҳамда битта
шартнома бўйича юз минг АҚШ доллар-
ига тенг миқдордан ортиқ бўлган
импорт дори воситалари тендер асоси-
да харид қилинади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик-
ка эришгандан сўнг, Республика аҳоли-
сини дори воситалари билан таъмин-
лаш долзарб муаммолардан бирига
айланди, чунки тахминан 90% дори во-
ситалари чет давлатлардан валюта
ҳисобига келтирилар эди. [ ].

Ўзбекистон Республикаси бўйича
ўсма касалликларини даволашда иш-
латиладиган асосий дори воситалари-
дан фойдаланиш самарадорлигини
аниқлаш, уларнинг истеъмоли бўйича
маълумотлар тўплаш, иқтисодий юқори
самарадор дори воситаларини аниқлаш
ва уларнинг онкологик беморларга ет-
казиб беришнинг тиббий-ижтимоий
ва иқтисодий томонларини ўрганиш

мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг „Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 9-сон, 128-модда) ва „Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон, 120-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сонли „Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 30-сон, 387-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги №2522 рўйхат рақами билан 2013 йил 13 ноябрда амбулатория даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлади.

Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш - ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили.

Мустақиллик йилларида мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий соҳани янада демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг энгича, истиқболга ҳамда юртбошимиз раҳнамолигида биз танлаган тараққиёт йўлимизга хос тамойиллари асосида турли шабқаларда олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар шароитида, айниқса аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими тубдан яхшиланиб бораётганлиги гувоҳлари қолдир. Шу жумладан, ўтган 20 йил давомида мамлакатимиз фуқаролари саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида энг устувор йўналишлардан бирига айланди.

Шундан олишга асосий устуворлик берилаётган юртимизда фуқаролар соғлигини сақлаш масаласига, инсоннинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инсон саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ва вирусли инфекцияларга қарши кураш, бир сўз билан

ифодалоганда, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, фуқароларни сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш кабиларга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, кейинги 10-12 йил ичида соғлиқни сақлаш тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ва чуқур ислоҳатларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилган 3 та Фармони („Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги (1998 йил, 10 ноябрдаги); „Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2003 йил, 26 февралдаги) ва „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги (2007 йил, 19 сентябрдаги) ва соҳага оид Ўзбекистон Республикасининг 15 та қонунлари муваффақиятлар омили бўлди, десак муболаға қилмаган бўламан.

Шунингдек, бутун мамлакатимиз ҳудудида санитария-эпидемиологик жиҳатдан жорий қилиниши таъминланди, турли юқори хавфли юқумли ва вирусли (полиомиелит, дифтерия, кўк йўтал, қизамиқ, столбняк-қоқшол ва В гепатит каби) инфекцияларга қарши кураш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари 3 бароварга камайди.

Охирги 20 йил ичида мамлакатимиз фуқароларининг ўртача яшаш умри 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларда 75 ёшгача кўтарилганлигининг ўзи мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ислоҳотлар ҳамда давлатимизнинг фуқаролар соғлиғини сақлашга оид сиёсати самарадорлигини белгиловчи бир юксак баҳо - деб ҳисоблайман.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2010 йилнинг сентябрь ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Саммитининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида эътироф этилган ушбу ижобий кўрсаткичларни дунё афкор

ўрниси, халқаро тоифадаги нуфузли ва таниқли экспертлар, иш'атчи ва журналистлар юксак баҳолаганликлари бўлиши ҳам ана шундандир, деб биламан.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделини минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этди.

Ўзбекистоннинг "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғол- қўриш кўрсатилаётган энг илғор етакчи 10 та мамлакат қаторига киритилганлиги ("Халқ сўзи" газетасининг 2011 йил, 14-сентябрь сони) яна бир қувонарли ҳолдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли Фармони бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимида эришилган ижобий самараларининг мустаҳкам пойдевори бўлди. Юртимиз раҳбарининг айнан ушбу Фармони концепциясида соғлиқни

сақлаш тизимида олиб бориладиган ислоҳотларда тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инсон саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ва вирусли инфекцияларга қарши кураш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб бориш баробарида соҳанинг ҳуқуқий асосини, мазкур йўналишдаги қонунчиликни ҳам мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилганлиги мамлакатимизда инсон омилига бўлган юксак эътибордан, давлатимиз ижтимоий сиёсатининг тобора такомиллашиб бораётганлигидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан эълон қилинган, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг асосий мазмун-моҳияти ҳам нафақат бугунги ва эртанги

кунда, балки узоқ истиқболда шахсият, ижтимоий ... фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишда ...

кунда, балки узоқ истиқболда мамлакатимиз фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда барчанинг қонунлар олдидаги тенглигини, фаровон ва муносиб ҳаётини таъминлашга, инсоннинг қадр-қимматини тўла маънода оширишга қаратилганлиги билан фуқароларимиз ижтимоий муҳофазасини янада такомиллаштиришни, ушбу соҳага оид қонунларнинг ижросига эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Қолаверса, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни парваришлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, пировардида ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини изчил ошириш, беморларни фақат юқори сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш масаласи

жамиятимизнинг кундалик ҳаётида ҳам ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Тиббиёт ходими сифатида бир сўз билан айтишим лозимки, соғлиқни сақлаш тизимидаги кенг қамровли чуқур ислоҳотлар натижасида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдик, аммо, жаҳон тиббиёти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган, асрлар давомида нафақат шарқда, балки ғарбда ҳам "Тиб қонунлари" асари соҳага оид бирдан бир дарслик сифатида қўлланилиб келган Абу Али Ибн Синодек буюк аждодимиз, ватандошимиз, улуғ мутафаккир ворислари бўла туриб, бугунги замонавий илм-фан ривожига, ноёб техника ва технологиялар арсеналига, юксак интеллектуал салоҳиятга - беқиёс имкониятларга эга бўла туриб, айнан доришунослик йўналишида эришилган ютуқларимиз кўлами жуда тор, деб ҳисоблайман. Ваҳоланки, юртимизда дори воситаларининг катта арсеналини ишлаб чиқариш ва хорижга экспорт қилишнинг реал имконияти мавжуд. Соҳадаги доришунос олимларимиз бундан тегишли хулоса қиладилар, деган умиддаман.

Дори воситаларига бўлган катта талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, айниқса, сўнгги йилларда фуқаролар (беморлар)ни сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш ишига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишда икки палатали Парламентнинг ҳам муайян ҳиссаси борлигига ишончим комил. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси „Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунинг ижроси бўйича олиб борилган назорат-таҳлил фаолияти натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, мутасадди вазирлик ва идораларга, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва унинг дори воситалари сифати билан шуғулланадиган бўлинмаларига берилган аниқ тавсиялар муайян самара бераётганлигига гувоҳмиз.

Икки палатали Парламент шароитида, қўмитанинг назорат-таҳлил

фаолияти натижаларини ва мам-
лакатимизда дори воситалари бил-
ан боғлиқ вазиятни инобатга олган
ҳолда юртимиз аҳолисини сифатли
ва арзон дори воситалари билан таъ-
минлаш мақсадида дори воситалари
ва фармацевтика фаолияти билан
боғлиқ бўлган муносабатларни тар-
тибга солишга қаратилган ҳуқуқий
база изчил даражада такомил-
лаштирилди, яъни 2009 йилнинг 17
сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон
Республикасининг 222-сонли қонунига
мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси-
нинг „Дори воситалари ва фарма-
цевтика фаолияти тўғрисида"ги
қонунига ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритилди ушбу қонун асосида
да, Ўзбекистон Республикасининг
маъмурий жавобгарлик тўғрисида-
ги кодексига қўшимча модда кири-
тилиб, унда сифатсиз ёки қалбаки-
лаштирилган дори воситаларини
ёки тиббий буюмларни ўтказиш
мақсадида ишлаб чиқариш, тайёр-
лаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўт-
казиш ҳаракатлари содир этилганда
маъмурий жазо қўлланилиши белгилаб
қўйилди бу ҳам аслида ўзининг ижобий

самарасини бермоқда.

Ҳақиқатдан ҳам истиқлол йилларида фуқаролар соғлиғини сақлаш борасида салмоқли ютуқларга эришдик. Бунга биргина мисол, юқорида қайд этиб ўтилганидек, аҳоли ўртача умрининг 20 йил ичида 7-8 йилга узайганлигининг ўзи соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси, чинакам баҳоси, деб эътироф этиш жоиздир. Бир сўз билан ифодаланганда, ютуқларимиз шунда сероб, улар ҳамиша биз билан. Уларни ҳеч ким биздан олиб қўя олмайди ҳам. Энг муҳими, шу ютуқларга бизнинг ўзимиз: муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида бир ёқадан бош чиқариб олиб борган саъй-ҳаракатларимиз туфайли эришдик. Аммо, фуқаролар соғлиғини сақлаш масаласи ҳамиша мамлакатимиз ҳаётидаги энг долзарб, энг муҳим ва ечимини кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиз сирасига киради.

Шундай экан, бугунги кунда фуқаролар (беморлар)ни сифатли дори воситалари билан таъминлашнинг

ҳолим каби биргина масалага фик-
рингизни қаратадиган бўлсак, ушбу
йўналишида ҳам ҳануз муаммо-
ларнинг ҳал эмаслигининг гувоҳи
бўламиз. Энг муҳими, ушбу муаммо-
ларнинг ечими унчалик мураккаб
эмас. Аммо, уларни ҳал этиш уш-
бу масалага масъул мутасаддилар
баробарида фуқароларимизнинг
ўзидан дахлдорликни, фидойилик ва
ҳалолликни талаб этади. Биз сўз бил-
ан айтганда, бу вазифаларни ҳеч
ким ташқаридан келиб бажармайди.
Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палата-
сининг Меҳнат ва ижтимоий мас-
алалар қўмитаси томонидан қатор
йиллар давомида назорат-таҳлил
фаолияти асосида Ўзбекистон Рес-
публикаси „Дори воситалари ва фар-
мацевтика фаолияти тўғрисида"ги
Қонунининг ижроси ҳар йили турли
вилоятларда ўрганилиб, камчилик-
лар муҳокама этилади, хулосалар
асосида қўмитанинг тегишли қарори
чиқарилиб, йўл қўйилган камчилик-
ларни бартараф этиш юзасидан
аниқ чора-тадбирлар, вазифалар бел-
гилаб берилади. Ундан ташқари

қонунчилик палатаси депутатлари ҳар йили 3 маротаба ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказадилар, сайлов округи ҳудудида аҳолидаги у, ёки бу қонуннинг ижро этилиши ҳолатини ўрганадилар.

Ачинарли томони, организмдаги қандайдир. дорихонага фуқаро (бемор) ўз соғлиғида рўй берган муаммо туфайли, организмдаги қандайдир инқироз ҳолати (яъни касаллик) туфайли соғайиб кетиш мақсадида мурожаат қилади. Агар сотиб олган дори воситаси сифатли ва самарали бўлсагина, у кутилган ижобий натижани беради. Лекин, бемор томонидан харид қилинган дори препарати сифати ва самарадорлиги паст, ёки ушбу дори воситаси истеъмолга яроқсиз, ёки қалбакилаштирилган бўлсачи? - Унда, табиийки, беморнинг аҳволи яхшиланиши ўрнига касаллик кучаяди, айрим ҳолатларда бу фожиа билан тугаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Кундалик ҳаётимизда „тусатдан вафот этиш" фақатгина кекса ёшдагилар ва фақатгина беморларга оид эмас, балки соппа-соғ юрган, ҳаттоки ҳам

шуда навқирон ёшдошларда ҳам рўй бериши ҳоллари учраб туради. Ажаб эмас, ана шундай ҳолларнинг сабабчиси дорихоналардан эдашлар-имизнинг оддий тил билан айтганда бош оғриғи ёки „оддий шамоллаш" сабаби қандайдир дори препаратини харид қилиб, истеъмол қилиши ҳам бўлиши мумкин.

Бу гапларимга асос бир томондан, бугунги кунда дорихоналар ва дорихоналар эгаларига қоида шу дорихоналарда реализация қилинаётган дори препаратларига бўлган қонуний талабнинг турли сабабларга кўра юз-ки даражада таъминланмаётганини бўлса, иккинчи томондан, фуқароларимизнинг тиббий маданияти етарли даражада бўлмаган ҳолда бизнинг шароитимизда дори қоғози (рецепт)сиз ҳар қандай дори воситаларини бола-партиш харид қилиш имкониятига эга эканлигидир. Агар ҳар бир дори препаратининг мураккаб кимёвий таркибга ва организмга турлиган эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бу инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфли эканлигига ҳеч шубҳа қолмайди.

4) Тошкент вилоят онкологик диспансер фаолияти таҳлили.

Хавфли ўсмаларга қарши кураш дунёдаги барча мамлакатларда соғлиқни сақлашнинг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ўсмага қарши кураш давлат томонидан махсус онкологик хизмат орқали амалга оширилади. Онкологик хизматни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқаради.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ўсма касалликлар диспансерлари - онкологик хизматнинг асосий таркибий қисми бўлиб, мустақил муассасалар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тиббиёт техникаси соҳасида эришилаётган ютуқлар туфайли хавфли ўсмаларни барвақт аниқлаб берадиган юқори сифатли ускуналар мавжуд. Бу эса касалликларнинг ўз вақтида даволаш имконини беради.

Мамлакатимизда юқори малакали тиббиёт ёрдамининг кўрсатиш, аҳолига зарур бўлганда даволаш профилактика муассасаларида беморларга маслаҳат бериш каби барча шароитлар

мавжуд хавфли ўсма профилактикасининг асосий шакли диспансеризациядир.

Бизга маълумки, Тошкент вилояти ўз таркибига Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларини, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Қибрай, Қуйи-Чирчиқ, Паркент, Чиноз, Юқори-Чирчиқ туманларини ўз ичига олади. Бу тахлил вилоятдан Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери худди шу туманлар аҳолисига онкологик хизмат кўрсатади.

Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери Тошкент вилоят аҳолисига стационар ва амбулатор хизматини кўрсатиш билан бирга онкология масалалари бўйича даволаш профилактика муассасаларига ташкилий методик бошқарувни амалга оширади. Диспансер ҳар йили Тошкент вилояти бўйича саратоннинг олдини олиш тадбирларини комплекс режасини ишлаб чиқади, хавфли ўсмаси бор беморларни аниқлаш учун мўлжалланган профилактик кўриклар ўтказилишини назорат қилади, уларни самарадорлигини аниқлайди.

## II (2). Тошкент вилоят онкологик диспансер бўйича дори воситалар таъминоти таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йил декабрь сонли буйруғи билан «Асосий дори воситалар рўйхати» тасдиқланган бўлиб, унга киритилган хавфли ўсмаларга қарши ишлатиладиган дори воситалари Тошкент вилоят онкология диспансери „Асосий дори воситалар“ формулярларига жамланган.

Бунда биз онкологик дори воситалари таъминотига тиббий омиллар, фармацевтик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий ва демографик омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқот объекти Тошкент вилоят онкологик диспансери бўйича „Асосий дори воситалари“ формулярига 253 дори воситалари халқаро патентланмаган номлари бўйича киритилган. Шулардан 31 та (1,2%) дори воситалари хавфли ўсмаларга қарши дори воситалари гуруҳига киради.

Барча дори воситалари 10 та гуруҳга жамланган.

Бу гуруҳ қуйидагилар:

1. Алкилловчи моддалар гуруҳи,
2. Антиметаболитлар.
3. Ўсмага қарши антибиотиклар.
4. Алкалоидлар.
5. Ўсмага қарши ферментлар,
6. Антиандрогенлар,
7. Антиэстрогенлар
8. Биологик реакция модификаторлари,
9. Бисфосфонатлар.
10. Таргет препаратлар.

Алкилловчи моддалар гуруҳига - циклофосфамид, оксалиплатин, цисплатин каби дори воситалари киради.

Антиметаболитлар гуруҳига - метотрексат, фторурацил, гемцитабин каби дори воситалари киради.

Ўсмага қарши антибиотикларга - доксорубицин дори воситаси киради.

Цитостатик таъсирга эга бўлган алкалоидларга - винкристин, паклитаксел, винбластин каби дори воситалари киради,

Антиэстрогенларга - тамоксифен дори препарати киради.

Онкологик дори воситалар таъминоти бевосита бюджет маблағларига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилоят онкологик диспансери бўйича Давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар таҳлили келтирилган.

Тошкент вилоят онкологик диспан-
сер бўйича 2012-2013 йиллар дори
воситалар таъминоти таҳлил қилинди.
Унга асосан 2012 йил бюджет жио-
бига 170648008.06 сўмлик, 2013 йилда
200.125876.04 сўмлик дори воситалари
олинган. 2013 йилда 200.125.876.04
сўмлик дори воситалари олинган
Марказлаштирилган йўл билан 2012
йилда 224946866-18 сўмлик, 2013
йилда эса 131448821-23 сўмлик
химиопрепаратлар олинган. Марказ-
лаштирилган бир марталик тиб-
биёт товарларидан 2012 йилда
21683471-93 сўмлик 2013 йилда эса
21627085-12 сўмлик олинган.

Мурувват ёрдами йўли билан
2012 йилда тимадар 100мг-1065 фла-
кон, трамадол 100мг №30-247, трама-
дол 200мг №30-248, цефтриаксон
1гр 500 фл, сукцинасол 2000мг-75 фла-
кон, хавфсиз коллектор -500 дона
олинган.

2013 йилда эса, мирпил №30-2 уп,
флуоксетин №20-10 уп, Тотань аралаш-
ма-2 уп, аромозин №30-6 уп, дерцин
1гр-23 уп, этрузил 2,5мг №30-60 уп
олинган.

Асосий позиция бўйича сарфланган

дори воситалари - наркотик ва психо-
троп препаратлар 2012 йилда 163331
97-80 сўмлик, 2013 йилда 24175-484 сўм-
лик, кислород 2012 йилда 11339000 сўм-
лик 2013 йилда 13063740 сўмлик, ким-
реактивлар 42756590-47 сўмлик 2013
йилда сарфланган.

Биз изланиш олиб бораётган Тош-
кент вилоят онкологик диспансерда
Доимий фаолиятдаги ҳайъат мун-
тазам иш олиб боради ва диспансер-
даги бюджет маблағлари ҳисобига
дори воситаларини харид қилиш шу
ҳайъат иштирокида, фақатгина дис-
пансер формулярига киритилган дори
воситалари рўйхати бўйича рақобат
нархлар асосида амалга оширилиши
аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги томонидан республи-
кадаги барча даволаш профилактика
муассасаларини (ДПМ) дори воситалари
билан таъминлашга бўлган доимий
эътибори натижасида, бюджетдан
ажратилаётган маблағларга қўшимча
тарзда бюджетдан ташқари маблағ-
ларнинг дори воситаларига сарфланиши
давлатимиз рухсати билан хорижий
фирмалардан бир қатор кафолатларни

даволаш учун ўта зарур дори воситаларнинг кредит, мурувват ёрдам йўли билан ОПМ ларга етказилиши натижасида тизимда дори-дармонларга бўлган эхтиёжни қарийб 65-70% гача таъминлашга эришилмоқда.

Тошкент вилоят онкологик диспансерда дори воситалари таъминоти қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

1. Бюджет ҳисобига
2. Кредит ҳисобига (марказлашган)
3. Мурувват ёрдам ҳисобига

Бундан ташқари ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, бюджет маблағларининг етишмаслиги сабабли, баъзи бир дори воситалари беморлар томонидан ҳам сотиб олиш ҳоллари кузатилмоқда.

Шу турдаги дори воситаларининг таъминоти асосан қуйидаги улгуржи таъминотчи фирмалар орқали таъминланади:

1. ООО „AZIAMILKFOOD"
2. „Мединдустриятехоптим"
3. „Jurabek Laboratories Ltd"
4. „Ўзбекистон Дори-таъминоти" акционерлик уюшмаси
5. „Дори-дармон" акционерлик компанияси

Тошкент вилоят онкологик диспан-
серда асосий дори воситаларига бўл-
ган талаби бюджет ва кредит маб-
лағлари хисобига таъминланаётган-
лиги аҳволи тахлил қилинди.

Таъминотни тўлиқ тахлил қилиш
мақсадида диспансер стационар рецеп-
турасини ўрганилди.

Бунинг учун 2012 йил ва 2013 йиллар
бўйича Тошкент вилоят онкологик дис-
пансерда хар йил учун 150 тадан кас-
аллик тарихи варақалари ўрганилди.

Бунда махсус тайёрланган дори воси-
таларини қайд қилиш варақаларидан
кўчириш орқали амалга оширилди.

Қўйида Тошкент вилоят онкологик
диспансер бўйича 2012-2013 йилларда
онкогинекологик касалликларда қўллан-
иладиган дори воситалар таъминоти
тахлили натижалари келтирилган.
Тахлил натижаларига кўра 2012 йилда
дори воситалари таъминоти бюджет
хисобига 62%, беморлар томонидан 19%,
марказлашган тартибдаги таъминот
(тендер) 18%. ва мурувват ёрдами бўйича
таъминот 1%.ни ташкил қилган. 2013 йил-
да дори воситалари таъминоти бюд-
жет хисобига 65%., беморлар томони-
дан 18,8%, марказлашган тартибдаги

таъминот (тендер) 15,8% ва мурувват ёрдами бўйича таъминот 0,4% ни ташкил қилганлигини кўриш мумкин.

III.13) Ўсмага қарши дори воситалар ассортиментини Тошкент вилоят онкологик касалликлар диспансерининг „Асосий дори воситалар" формуляри бўйича таҳлили.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 27 декабрь 2013 йил № 443 сонли буйруқ билан Республика соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларини лимитлаш, дори воситаларини харид қилиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва аҳолига кўрсатилаётган даволаш-профилактика ёрдамининг сифатини ошириш мақсадида „Асосий дори воситалари" рўйхатини тасдиқлади.

Буйруқда барча даволаш профилактика муассасаларида „Асосий дори воситалар" рўйхатига асосланиб, „Муассаса дори воситалари формуляри" ишлаб чиқилсин ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доимий фаолиятидаги ҳайъатига тасдиқлаш учун тақдим этилсин деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг № 4 нз сонли буйруғи билан тасдиқланган "Асосий дори воситалар" рўйхатида ўсмага қарши дори воситалар 30 та бўлиб, бу дори воситалар ассортимент позицияларининг кенглик ва чуқурлик кўрсаткичи бўйича таҳлили жадвалда келтирилган.

Ассортиментнинг кенглиги дори воситаларининг саноатда ишлаб чиқариладиган гуруҳлари билан, ассортиментнинг чуқурлиги дори воситасининг дори шакллари сони билан белгиланади.

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосан, Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорида қўлланилаётган ўсмага қарши дори воситаларнинг 80 тасидан 30 таси "Асосий дори воситалар" рўйхатига киритилган бўлиб, барча дори воситалар 11 та гуруҳга шаклланган.

Бу гуруҳлар қуйидагилар- алкилловчи моддалар гуруҳи, антиметаболитлар, ўсмага қарши антибиотиклар, иммуносупрессорлар, алкалоидлар, ферментлар, антиэстрогенлар, антиандрогенлар, биологик

реакция модификаторлари, биофосфонатлар, таргет препаратлар.
Ассортимент чуқурлик кўрсаткичи таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар бир номдаги онкологик дори воситаси бир неча хил дор шакли кўринишида қўлланилади.
Аниқландики, циклофосфамид 2 хил кўринишида: порошок ва таблетка, цисплатин 3 хил кўринишида: порошок, суюқ дори ва инъекция учун; метотрексат 3 хил кўринишида: таблетка, ампула ва суюқ дори шаклида, фторурацил 2 хил: суюқ дори шакли ва ампула шаклида ишлаб чиқарилар экан. Бу маълумотлар онкологик дори воситалари ишлаб чиқарувчи фирмаларининг янги ассортимент дори шаклларини ишлаб чиқариш йўли билан рақобат қила оладиган афзалликларга эга сифатларини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.
Олиб борилган маркетинг изланишлар мақсадига ўсмага қарши ишлатиладиган дори воситалар ассортиментининг янгиланиш даражасини аниқлаш ҳам кирган бўлиб, бунга битирув малакавий

ишимизнинг - жадвалида келтирилган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасида қайд этилган ўсмага қарши дори воситалари - 90 та, охирги 3 йил ичида янги қайд этилган дори воситалар - 37 та

$$И\left(\text{янгиланиш даражаси}\right) = \frac{A(\text{янги})}{A(\text{умумий})} = \frac{37}{90} = 0{,}41$$

Бу ерда, И - ассортиментнинг янгиланиш индекси.

A(янги) - янги қайд этилган дори воситалар сони.

A(умумий) - барча дори воситалар ассортименти сони.

Бу кўрсаткич ўсмага қарши дори воситалар ассортимент янгиланиш тенденциясининг ўсиб бораётганлигини ва ассортиментнинг кенгайиши ва янгиланиши импорт дори воситалар ҳисобига экани аниқланди.

Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансери бўйича онкологик дори воситалар ассортиментини таҳлил қилиш мақсадида 1 йиллик: 2012 йил касаллик варақалари ўрганилди, счет-фактуралардан

кўчирмалар олинди.

Таҳлил натижаларига кўра диспансерда Доимий фаолиятдаги ҳайъат мунтазам иш олиб боради ва муассасадаги бюджет маблағлари ҳисобига дори воситаларини харид қилиш шу ҳайъат иштирокида, фақатгина муассаса формулярига киритилган дори воситалари рўйхати бўйича рақобат нархлар асосида амалга оширилади.

Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери Доимий Фаолиятдаги ҳайъат қуйидаги аъзолардан иборат. Ҳайъат раиси - Бош шифокор муовини - И.Х Тухтаметов. Ҳайъат аъзолари: дорихона мудири - С.П. Сирожиддинов. Бўлим бошлиқлари - Ш.Г. Пиясова; Р.Р. Гайнулин; Г.А. Эгамбердиев; А.А. Ғаниев.

Шу Доимий Фаолиятдаги ҳайъат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида „Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансери „Асосий дори воситалар" рўйхатини тузиб чиққан бўлиб, ундаги ўсмага қарши дори воситалар ассортиментини 2 та номдаги дори воситалардан иборат.

Бу жадвалда келтирилган бу формулярга киритилган дори воситаларининг 1,5 фоизни ташкил қилади.

Рўйхатга келтирилган ўсмага қарши дори воситалар ассортиментининг чуқурлик кўрсаткичини таҳлил қилган, антиметоболитлар гуруҳига мансуб дори воситаси метотрексат 3 хил дори формасида: таблетка, инъекция, суюқ дори шаклида; фторурацил дори воситаси инъекция ва суюқ дори шаклида; ўсмага қарши антибиотиклардан доксорубицин гидрохлорид 3 хил дори формасида: порошок, таблетка, суюқ дори шаклида; кальций фолинат 3 хил дори формасида: капсула, инъекция ва суюқ дори шаклида келтирилган.

III. 14) Диспансерда дорихона шароитида тайёрланган дори воситалар таъминоти таҳлили.

Тошкент вилоят онкологик диспансерда ички дорихона фаолият кўрсатади. Бу дорихона диспансери дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари ва стерил дори воситалари билан узлуксиз таъминлайди.

Диспансер дорихонаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 5 сентябрь №400 сонли „Даволаш-профилактика муассасалари дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида"ги буйруғи ва 2001 йил 4 октябрь №444 сонли „Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПМ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида"ги буйруқларига биноан фаолият юргизади.

Бу буйруқлар даволаш-профилактика муассасаларининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилаш, уларда давлат бюджети томонидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва улар таркибидаги

дорихоналар ишини такомиллаштириши, ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, диспансер дорихонаси ҳам шу мақсад йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Тошкент вилоят онкологик диспансери дорихонаси диспансерда даволанаётган беморларни дори воситалари билан таъминлаш даражаси 80-90%-ни ташкил қилиши аниқланди.

Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш мақсадида биз қуйидаги тахлилни ўтказдик.

Унга асосан биз диспансер дорихонасида тайёрланган дори воситасининг нархини, шу дори воситаси тайёр ҳолда таъминотчилардан сотиб олинганда ги нархи билан солиштирдик. Диспансер бўйича 19та номдаги дори воситасидан 2012 йилда 21557,3 литр тайёрланганда (флаконлар сони 79497), 2013 йилда 21563,2 литр, бу 82830 флаконни ташкил қилади. Худди шу дори воситалардан худди шу миқдорда тайёр ҳолда таъминотлардан сотиб олинганда, бу 47.813.146 сўмни ташкил қилган бўлар эди. Яъни дорихона диспансер учун 42191982 сўмлик маблағни топиб берган.

Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқишдан келадиган фойда натижасида бюджет маблағларини тежаш, маблағлардан самарали фойдаланиш имконияти ошади.

Биз Тошкент вилоят онкологик диспансер дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг „Асосий дори воситалар" рўйхати асосида таҳлилини ўтказдик. Таҳлил натижаларига кўра бу кўрсаткич 3% ни ташкил этиб, бу 10та номдаги дори воситалардир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №443-сонли буйруғига асосан „Асосий дори воситалар рўйхати"га асосланиб „Муассаса дори воситалари формулярлари" ишлаб чиқилган, ундан бандига асосан Тошкент вилоят онкологик диспансер бўйича формулярлар рўйхати тузилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олимий фаолиятдаги ҳайъатида тасдиқланган.

Диспансер дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларини шу формулярлар бўйича таҳлил натижаларига кўра 9та дори воситаси формулярга киритилган бўлиб, бу 7,1% ни ташкил қилади.

2013 йилда тайёрланган стерил дори воситалари аввалги йилга қараганда 5,9 литрга, яъни 3333 флаконга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Стерил дори воситалари йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббий техника сертификация ва стандартизация бош бошқарма марказий томонидан ўрганилик учун текширилди. Диспансер стерил блоки қуйидаги жихозлар билан таъминланган:

1. Автоклав - 4: БК 75-3, БК-30-1
2. Дистиллятор Д-10-2
3. Колпачокларни ёпиш аппарати-2
4. Рефрактометр - 1.
5. Куритиш шкаф - 2.

Диспансерда шифохона шароитида қуйидаги дори воситалари тайёрланади:

1) глюкоза 5% - 400
2) глюкоза 5% - 200
3) глюкоза 10% - 400
4) натрий хлорид 0,9% - 400
5) натрий хлорид 0,9% - 200
6) новокаин 0,5% - 200
7) новокаин 0,5% - 10
8) новокаин 0,5% - 50
9) Трисол - 200
10) Анальгин 50% - 10

11) Димедрол 1% - 10
12) Кальций хлор 10% - 10
13) Натрий гидрокарбонат 4% - 200
14) Кальций хлорид 4% - 200
15) Кальций хлорид 4% - 100
16) Аминокапрон кислота 5% - 100
17) Фурацилин 1:5000 - 400
18) Перекись водород 3% - 200
19) Перекись водород 6% - 400

2012 йил ноябрь ойида Тошкент вилоят онкологик диспансер дорихонаси Ўзбекистон Республикаси бўйича „Йилнинг энг яхши дорихонаси" номинациясида фахрли 3 ўринни эгаллаган.

**Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери тузилмаси**




ОНКОЛОГИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИ ХОЛАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР
ТИББИЙ ОМИЛЛАР
ФАРМАЦЕВТИК ОМИЛЛАР
ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР
ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР
ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР
ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАР
1. Касалланиш структураси ва касалланиш кўрсаткичи.
2. Шифокорлар-нинг малакаси.
3. Даволаш усуллари.
4. Даволаш муддати.
5. Аҳолининг тиббий санитар даражаси.
1. Дори воситалари ассортиментининг янгиланиши ва харакати.
2. Дори воситаси-нинг самарадорлиги ва ишлатишга қулайлиги.
3. Дори воситалари-нинг ножўя таъсирлари.
4. Бозорнинг ахборот билан таъминланиши.
1. Аҳолининг яшаш шароити.
2. Аҳолининг дори восита-ларини сотиб олиш қобилияти
3. Соғлиқни сақлаш тизими-нинг харажатлар миқдори.
4. Дори восита-лари нархи.
1. Ҳаводаги канцероген моддаларнинг миқдори.
2. Атроф муҳитнинг тозалиги.
3. Регионнинг об-хаво шароити
1. Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асослари.
2. Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан қўллаб қувватланиши.
3. Экология бўйича ҳуқуқий буйруқлар.
1. Туғилиш даражаси.
2. Аҳолининг ёши ва жинси бўйича таркиби.
3. Аҳолининг турмуш тарзи.

## Тошкент вилоят онкологик диспансер бўйича дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар РЎЙХАТИ

1. Глюкоза 5% -400
2. Глюкоза 5% -200
3. I люкоза 10% -400
4. Натрия хлорид 0,9% -400
5. 11атрия хлорид 0,9% -200
6. Новокаин 0,5% -200
7. Новокаин 0,5% -10
8. Новокаин 0,5% -50
9. Трисол -200
10. Анальгин 50% -10
11. Димедрол 1 % -10
12. Кальций хлор 10% -10
13. Натрий ги/карбонат 4% -200
14. Калия хлорид 4% -200
15. Калия хлорид 4% -100
16. Аминокапрон кислота 5% -100
17. Фурациллин 1: 5000 -400
18. Водород пероксид 3% -200
19. Водород пероксид 6% -400

# Хулоса

1) Тошкент вилоят онкологик диспансер дорихонасининг 2012-2013 йиллар бўйича фаолияти қилинди.

2) Диспансер бўлимлар, ўринлар сони таҳлил қилинди. Унга асосан диспансерда ўринлар сони 220 та бўлиб, 10 та бўлим фаолият кўрсатади.

3) Онкологик дори воситалар таъминотига таъсир этувчи омиллар, ҳуқуқий омилларни ўрганилди.

4) 2012-2013 йиллардаги дори воситалар таъминоти таҳлили ўтказилди. 2012 йилда бюджет ҳисобига 170648908-06 сўмлик 2013 йилда 200125876-04 сўмлик дори воситалар таъминланганлиги аниқланди.

5) Диспансер дорихонасида дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари билан таъминланиши таҳлили ўтказилганда таъминот 80-90%ни ташкил қилишини аниқланди.

6) Диспансер бўйича тайёрланган дори воситалар таъминоти 2012 йилда бюджет ҳисобига 62% марказлашган ҳолатдаги таъминот 18%ни мурувват ёрдам - 1% ва беморлар томонидан - 19%ни ташкил қилинганлиги аниқланди.

2013 йилда бюджет ҳисобига 65% марказлашган 15,8%, мурувват ёрдам 0,4% ва беморлар томонидан 18,8% дори воситалар таъминланганлиги аниқланди.


2012 йил
Мурувват ёрдам 1,00%
марказлашган 18,00%
Бемор хисобидан 19,00%
Бюджет 62,00%


2013 йил
Мурувват ёрдам 0,40%
марказлаш ган 15,80%
Бемор хисобидан 18,80%
Бюджет 65,00%

**Тошкент вилоят онкологик диспансер бўйича 2012-2013 йилларда дори воситалар таъминоти таҳлили**

| № | | 2012 й | 2013 й |
|---|---|---|---|
| 1. | Бюджет | 170648908-06 | 200125876-04 |
| 2. | Марказлаштирилган (химпрепаратлар) | 224946866-88 | 131448821-23 |
| 3. | Марказлаштирилган (бир марта ишлатиладиган махсулотлар) | 21683471-93 | 2162085-12 |
| 4. | Мурувват ёрдам | 1. Темодар 100мг -1665фл<br>2. Трамадол 100мг №30 -247 қадоқ<br>3. Трамадол 200мг №30 -248 қадоқ<br>4. Цефтриаксон 1гр - 500 фл<br>5. Сукцинасон 200мл -75 фл<br>6. Хавфсиз коллектор -500 дона.<br>7. Қон олиш учун пробиркалар-500 дона. | 1. Миртел № 30 -2 қадоқ<br>2. Флуоксетин №20 -10 қадоқ<br>3. Тотал аралашма -2 қадоқ<br>4. Натрия хлорид эритмаси 0.9%-100мл-10фл<br>5. Аромазин №30 -6 қадоқ<br>6. Дерцин 1гр -23қадоқ<br>7. Дерцин 200мг -30 қадоқ<br>8. Этрузил 2,5мг №30-60 қадоқ |

# Адабиётлар рўйхати


1. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 25 апрел қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қарори. „Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни амалга киритиш ҳақида

3. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 26 декабр қонуни

5. Каримов И.А. „Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" Т., 2009й 4-12 бет.

6. Яковлева Л.В. Фармакоэкономика // Учебное пособие для студентов высших учебных заведений - Харьков, издательство НФаУ 2009 С12-132

7. Авксентьева М.В., Воробьев П.А., Герасимов В.Б. Экономическая оценка эффективности лекарственной терапии (Фармакоэкономический анализ). - М.: Ньюдиамед. 2000-80с

8. Авксентьева М.В., Воробьев П.А., Герасимов В.Б. Проект отраслевого стандарта „Фармакоэкономические исследования. Общие положения" // Проблемы стандартизация в

здравоохранении. - Москва, 2000 №4 - с 42-54.

9. Аксенова А.Г., Фисенко В.П., Дроженкин А.П. Принципы фармакоэкономических исследований // Фармакоэкономика - Москва 2001: №6 с 67-71.

10. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида Ўзбекистон республикаси 1997 йил 25 апрель қонуни. Ўзбекистон республикасида фармацевтика фаолияти. (Ҳуқуқий, меъёрий хужжатлар ва маълумотлар тўплами) 1 китоб Тошкент - 2001 й 15-21 бет.

11. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август қонуни. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти. (Ҳуқуқий меъёрий хужжатлар ва маълумотлар тўплами). 1 китоб Тошкент - 2001 й 21-25 бет.

12. Прикладная фармакоэкономика: уч. учебное пособие / под редакцией В.И. Петровс М ГЕОТАР-медиа, 2007 - 426 с

13. Воробьев П.А., Герасимов В.Б. Яворский А.Н Фармакоэкономические аспекты проблемы рационального выбора лекарств: Тез IV всерос. конгр. "Фармакоэкономика на рубеже третьего тысячелетия" // Пробл. стандартизация в здравоохр. - 2002 - №5 - 73-с

14. Орлов В.А. Гиляревский С.Р. Экономическая оценка эффективности лечения: обзор лит. // Здравоохр. Рос Федерации 1997 №2 - с 51-53

16. Филипс С., Томпсон Г. Что такое затратная эффективность? // Клин. фармакол. и тер. - 1999 - №1 - с 51-53.

16. Экономическая оценка эффективности лекарственной терапии // Фармакоэкономический анализ / Под ред. П.А. Воробьева. М., 2000г. 8с

17. В.Е. Мацкалер И.Н. Бондаренко В.Ф. Завизион. Опыт одномоментных реконструктивных вмешательств при раке молочной железы // - с - 248.

18. М.М. Мирзоян, И.А. Хачатурян: О раке Педжета молочной железы // с - 249.

19. Л.И. Мусабаева И.С.А. Шошина Е.М. Слонимская Предоперационная нейтронная терапия в комплексном лечении местно-распространенного рака молочной железы // - с - 249.

20. С.Н. Наврузов. Р.Ш. Хасанов. А.Х. Исмагилов З.П. Беннозаров. Реконструктивно-пластические операции в лечении рака молочной железы II стадии // - с - 250.

21. С.Н. Наврузов Р.Ш. Хасанов. А.Х. Исмагилов. З.П. Беннозоров Видеоторакоскопические и реконструктивно-пластические операции в лечении рака молочной железы III стадии // - с - 250.

22. Зайнутдинов Х.С. Узбекистон Республикасида дори воситаларини фармоиктисодий изланишлари муаммолари // Фармацевтика

журнал. Ташкент 2007 №4 с 16-20
23. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С ABC/VEN анализ в деятельности внутрибольничной аптеки клиники НИИ эндокринологии // фармацевтический журнал. Ташкент 2009 фармацевтический журнал Ташкент 2009 №2 9-13 с.
24. Экулан Руководства по рациональному использованию лекарственных препаратов в первичных звеньях систем здравоохранения ЮНИСЕФ вып 1 1992 с 12
25. Продвижение лекарств на рынок: проталкивать, продвигать или обучать? // Монитор основных лекарственных средств ВОЗ, 1997 №4 с 24.
26 Сюнов А.И.Д. Зайнутдинов.Х.С Совокупный анализ на затраты на медицинские услуги // фармацевтический журнал. Ташкент 2008 №3 с 13-17.
27. Лакиц Н. Фармакоэкономический анализ - возможность с экономить бюджетные деньги. Ремедиум 2004 №11-12 с 22-23 с.
28 Вашнов А. Экономика лечебного процесса, Ремедиум. 2005 №11 12 с 25-29
29. Авксентьева М.В, Воробьев П.А. Герасимов В.Б. Проект отраслевого стандарта „Фармоэкономические исследования общие положения // Проблемы стандартизации в здравоохранении. Москва - 2006 №7 42-54 с

30. Аксенова А.Г., Фисенко В.П., Орочкин А.П. Принципы фармакоэкономических исследований // Фармакоэкономика Москва-2001 №6 - с 67-71

31. Аксенова О.Г. Принципы фармакоэкономических исследований // Фармакоэкономика-Москва. 2001 №6 - с 67-71

32. Аксенова О.Г. Принципы фармакоэкономических исследований // Клиническая фармакология - Москва 2002 - №-4 - 99-91 с.

33. Безбородный С.О. Стоимостно-эффективный анализ антихеликобактериальной терапии язвенной болезни // Проблемы стандартизации в здравоохранение - Москва 2000

34. Белобородова Н.В. Полухина Г.М. Преимущества орального цефаклоспорина, цефаклора (цеклора) в лечении пневмоний у детей (сравнительное рандомизированное исследование с фармакоэкономическим анализом) Педиатрия - Москва 1998 №1 - 49-54 с

35. Белоусов Ю.Б. Быков А.В. Фармакоэкономика: оптимальный выбор формуляров // Фарматека - Москва, 2003 - №3 - С-10.

36. Белоусов Ю.Б., Быков А.В. Карпов О.И. Кобалава Ж.Д. Коровская Ю.В. Клинико-экономические аспекты профилактики нарушения мозгового кровообращения: по данным исследования ELSA // Качественная клиническая практика Москва 2002 №3-76-88.

37. Быков А.А. Фармакоэкономика как инструмент гармоничного развития рынка // Ремедиум - Москва, 2002 - №4 - с - 36 - 39

38. Волков А.И. Калиновский А.В. Стандартизация. Фармакоэкономика и системы рационального лекарственного обеспечения населения // Проблемы стандартизации и здравоохранения - Москва, 2000 - №4 - с 306

39. Воробьёв А.И. Исключено волокно перечень нужно учиться шить и макет по новому // Ремедиум №3 - 1999 г 8-10 стр.

40. Воробьёв А.И. Сура М. Построения системы рационального лекарственного обеспечения. Роль формулярного комитета Минздрава РФ // Ремедиум №9 - 2002 г 7-11 стр

41. Воробьёв П.А. Быков А.И., Климов О.С и др. Фармакоэкономика в России первый опыт М, Рона-Пуленк Рорер. 1998 г 7-8 стр

42. Воробьёв П.А. Авксентьева М.В. Экономическое бремя осложнений лекарственной терапии // Ремедиум - Москва 2002 №5 - 80-83.

43. Власова И. Опыт рационального лекарственного обеспечения многопрофильного стационара // Ремедиум №2 - 2003 г 46-50 ст

44. Коновалова В.Н. Рак молочной железы и метаболизм эстрогенов // Проблемы репродукции Москва 2007.

45. Наврузов С.Н. Состояние онкологической службы в Узбекистане и перспективы ее развития // Узбекистон тиббиёт журнали, №2-3 2001 й 4-50